O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 16 август, № 158 (4057) Чоршанба



Тошкент яна бир йирик спорт анжуманига мезбонлик қилмоқда. Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуаси сув саройида синхрон сузиш бўйича VII «Сув париси» халқаро турнири ва Ўзбекистон очиқ кубоги мусобақалари бошланди.

«СУВ ПАРИСИ» турнири бошланди

Спортнинг нафис ва жозибадор турларидан ҳисобланган синхрон сузиш айнан қизлар учун мослиги, сувда сузиш, сувга сакраш, акробатика, бадиий гимнастика ва хореография каби спорт турларини ўзида мужассамлаштирганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Кеча мусобақанинг тантанали очилиш маросими бўлди. Унда сув спорти бўйича халқаро федерация (ФИНА) вакиллари Игорь Карташов ва Мивако Хомаларнинг иштирок этганлиги мазкур турнир нуфузи йилдан-йилга ошиб бораётганлигини исботлайди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда ушбу спорт тури жадаллик билан оммалашиб бораётганлигини таъкидладилар. Дарҳақиқат, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, республика синхрон сузиш федерацияси, «Соғлом авлод учун», Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармалари ва бошқа қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар бугун ўз самарасини бермоқда.

1995 йилдан 2005 йилгача синхрон сузиш билан шуғулланадиган қизлар сони 626 нафарни ташкил этган бўлса, бугунга келиб уларнинг сони 1000 нафардан ошиб кетди. Республикамизнинг деярли барча вилоятларида синхрон сузиш федерациялари очилди. Юқори малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида вилоятлардаги Олимпия заҳиралари коллежларида синхрон сузиш бўлимлари ташкил этилди. 2006 йилдан бошлаб Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтида ҳам синхрон сузиш бўлими ташкил тогди.

Қилинаётган саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ қизларимизнинг халқаро турнирларда эришаётган муваффақиятлари ҳам салмоқли бўлмоқда. Ўтган йили Таиландда ўтказилган Осиё чемпионатининг яккалик(соло) баҳсларида Дарья Можаева, жуфтлик (дуэт) баҳсларида эса Наталья Корнеева ва Валентина Поповалар кумуш медаллар соҳиби бўлишган эди. Малайзияда бўлиб ўтган халқаро турнирдан ҳам вакилларимиз медаллар шодаси билан қайтишди.

Юртбошимиз ғамхўрлиги остида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Сув париси» очиқ халқаро турнири ўзбекистонлик ёш қизлар учун ўзига хос маҳорат мактабини ўтамоқда. Марказий Осиёда нуфузли ҳисобланган мазкур мусобақанинг навбатдагисида Таиланд, Россия, Қозоғистон ва мамлакатимиз вилоятларидан келган 80 нафардан ортиқ қизлар иштирок этмоқда. Халқаро турнир 17 август куни якунланади.

Мусобақанинг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси С. Иномова иштирок этди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Муҳаммад АМИН (ЎзА)
олган суратлар.

ПРЕЗИДЕНТ СОЧИГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 15 август куни Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига (ЕврАзЭС) аъзо мамлакатлар раҳбарларининг норасмий учрашувида иштирок этиш учун Россия Федерациясининг Сочи шаҳрига жўнаб кетди.

Сочи учрашувида ўзаро иқтисодий интеграцияни ривожлантиришга, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга, савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтиришга, шунингдек, Божхона иттифоқи, ягона иқтисодий макон, умумий энергетика бозорини ташкил этишга оид масалаларнинг муҳокама этилиши режалаштирилган. Президентлар Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятини ривожлантириш йўллари юзасидан ҳам фикр алмашадилар.

(ЎзА).

АВГУСТДАГИ ЗАРБДОР МЕҲНАТ — ПАХТАДАН ЮҚОРИ ҲОСИЛ ОЛИШ ГАРОВИ

ДАМ ҒАНИМАТ, ФУРСАТ ҒАНИМАТ

«Ҳожималла» фермер хўжалигида пахта барвақт очилди. Буни кўрган фермер «Экин чанқаганиданмикан бу», деб ташвишланди. Йўқ, синчиклаб қараса, кўсак ҳақиқатан пишиб етилган экан. «Демак, бу йил ишимиз анча илгарилаб кетибди» дея бўлажак хирмон юз кўрсатганидан чарчоғи кўтарилди.

Ерни унинг қадрига етадиган чинакам заминдорга топшириш Уйчи туманида ҳам ўз самарасини бермоқда. Жорий йил бошида яна 6 та ширкат хўжалиги тугатилиб, 400 дан ортиқ фермер хўжалиги ташкил этилди. Улар ялпи пахта ҳосилининг 65 фоизи ёки 15948 тоннасини етказиб беришни зиммага олишган. Деҳқончилик ишларининг бориши экинзорларнинг асосий қисми пахтачиликдан етарли хабари бор удли-шудли кишилар қўлига ўтганини кўрсатмоқда. Боиси, ҳар туп ғўзада 11-12 тадан тўқ кўсак бор. Эртага улар бир-бир очилиб, пахтакорни шошириб қўйишини тасаввур қилинг.

— Экинни шу ҳолатга келтириш учун, мана, роппароса етти ойдирки, кетмонни қўлдан қўйганимиз йўқ, — дейди «Ҳожималла»нинг етакчиси Бадриддин Тожибоев. — «Пахтанинг оҳанрабоси бор, одамни атрофидан узоқлатмай қўяди», деб ҳазиллашаман ҳамкасбларимга. Аслида бу бор гап. Ғўзасидан кунда-кунора хабар олмаган одам ютқазиб қўяди. Мана, биз озуқасини бериб, ишловини вақтида ўтказиб, сувдан қолдирмай экинни оби-тобига келтириб олдик. Бироқ бу, хирмон қўлимизда, дегани эмас-да. Меҳнатини қадрлаган, кўсакларнинг барини пахтага айлантираман, деган деҳқон энди сергак бўлиши даркор.

Фермер узоқ йиллар далада ишлаб, кўргани-билганидан гапиряпти бу гапни. Қишлоқ мулкдори, деган ном эгаси бўлганига ҳам беш йилдан ошди. Ерининг баланд-пастини тўғрилаб, ҳосилдорликни 40 центнерга етказиб олди. Хўжалиги тикланди, қатор ораларига ишлов берувчи иккита трактор харид қилди, ҳамқишлоқларини ёнига чақириб иш билан таъминлади. Ҳозир 79 гектар экинзорнинг уддасидан бемалол чиқяпти.

— Фермерлик ҳалол меҳнат, фаровон турмуш, халқ ўртасида ҳурмат-эътибор, дегани. Бу ҳаракат, энг аввало, Юртбошимиз, ҳукуматимизнинг ер эгаларини астойдил қўллаб-қувватлаётганидан равнақ топмоқда, — сўзида давом этади Б.Тожибоев. — Биргина банклар томонидан берилаётган мақсадли кредитни олайлик. Банк бизнинг ўзимизга ҳозиргача ёнилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғит, иш ҳақи учун 17 миллион сўм маблағ берди. Молиявий ёрдам олмасак, қийналиб қолардик. Ундан фойдаланиб, етарли минерал ўғит келтирдик, гектарига 800 килодан азотли, 450 килодан фосфорли, 30 килодан калийли озуқа бердик. Август бошида ишчиларимиз билан гаплашдим. Улар «Зарбдор ойнинг ҳар дақиқасини парваришга ба-

(Давоми 2-бетда).

Тадбир

Бир болага етти маҳалла ота-она, деган гап бор халқимизда. Бу фарзанд тарбияси ниҳоятда масъулиятли вазифа эканлиги, унга кенг миқёсда эътибор зарурлигига ишора, албатта. Мамлакатимиз таълим тизимида олиб борилаётган ишларда ана шундай масъулиятни ва эътиборни кўриш мумкин.

Ўқув жиҳозлари кўргазмаси

Бугун замон талаби бироз ўзгарган. Эндиликда ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол бўлиб улғайиши учун қулай шарт-шароит, малакали мураббий ва замонавий дарсликлар ҳам талаб этилади. Кейинги йилларда Президентимизнинг бу борада қабул қилган қарорларини ёдга солишнинг ўзиёқ, мазкур уч омил юртимизда ҳамоҳанг ривож топаётганини кўрсатади. Бултур 25 ноябрда "Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида", жорий йилнинг 31 майида "Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" қабул қилинган қарорлар тизимдаги ишларни янги босқичга кўтарди. 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий Дастурида белгиланган вазифалар эса бу ишларни тўлдирди. Унда, айниқса, мактабларни жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Шу боис юртимизда мактаб жиҳозлари кўргазмаларини ўтказиш яхши анъанага айланди. Шу кунларда Республика ўқувчилар саройида мамлакатимиз умумтаълим мактаблари учун мебель, ўқув лаборатория ускуналари, компьютер техникаси ва спорт анжомлари кўргазмаси бўлиб ўтяпти. Иқтисодиёт, Халқ таълими вазирликлари ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус касб-ҳунар маркази ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур кўргазмада фан кабинетлари, лаборатория ишлари ва меҳнат таълими учун асбоб-ускуналар намойиш этилмоқда. Юртимизда ва хорижда ишлаб чиқарилган ускуна ва жиҳозларнинг хусусиятлари билан бирга, улардан фойдаланиш тартиби, тажриба ишлари, хавфсизлик қоидалари каби зарур маълумотлар ҳам тақдим этилгани иштирокчилар учун қулайлик туғдирмоқда. Эътиборлиси, бу кўргазмада харид қилинажак жиҳозларни ва компьютерларни таъмирлаш анжомлари ҳам намойиш этилмоқда.

Кўргазмада ўрта махсус таълим муассасалари учун асбоб-ускуналар намуналари ҳам бор. Масалан, Германиянинг Singer компанияси томонидан тақдим этилаётган тикув машиналари касб-ҳунар коллежларининг чевар қизларига жуда қўл келади. Шунингдек, автомобилсозлик, чилангарлик, электротехникага оид замонавий жиҳозлар ва спорт анжомлари ҳам ўрин олган.

Анвар САМАДОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Ўтовда — қуёш энергияси

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тараққиёт дастурига кўра Оролбўйида аҳолини соф энергия билан таъминлаш ишлари амалга оширилмоқда. Тахтакўпир туманидаги «Қўштруба» овулида қуёш нуридан электр энергияси ишлаб чиқарадиган қурилма ўрнатилган эди. Бугунги кунда овулнинг 15 та хонадони атроф-муҳитга муқобил энергиядан унумли фойдаланмоқда. Яйловдаги яна 21 та хонадонда кечалари қуёш энергияси ёрдамида чироқлар порламоқда.

Қуёш энергияси туризм учун ҳам кенг имкониятлар очмоқда. Амударё ўнг соҳилидаги Кушон даврига оид Аёзқалъа тарихий ёдгорлиги дунё сайёҳларининг ҳам эътиборини тортмоқда. Бу ерга келаётган сайёҳлар сони кун сайин кўпаймоқда. Чунки бу қадимий қўрғонда антик Хоразм маданиятининг сир-асрорлари яширинган. Бу ерда сайёҳлар учун шинам ўтовлар, бугунги цивилизацияга мос шарт-шароитлар муҳайё қилинган. Қуёш энергияси асосида порлаб турган чироқлар бу ерга тобора кўпроқ тарих ва туризм ихлосмандларини жалб этмоқда.

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Вазифалар белгилаб олинди

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳайъатининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Уни қўмита раиси Ботир Парпиев бошқарди.

Йиғилишда 2006 йил 11 август куни Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқилган 2007 йилги солиқ сиёсати концепцияси лойиҳаси принциплари асосида солиқ идоралари томонидан бажарилиши лозим бўлган асосий вазифалар муҳокама қилинди. Мазкур концепция мазмун-моҳиятини солиқ тўловчиларга етказиш мақсадида уларнинг зиммасига тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш вазифасини юклатилди.

Ҳайъат йиғилишида, шунингдек, «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Бухоро ва Навоий вилоятларидаги ижроси тўғрисида Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси томонидан ўтказилган текширув натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан вилоят бошқармаси раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди. Камчиликка йўл қўйган Бухоро, Навоий вилоятлари солиқ идоралари раҳбарларининг масъулияти жорий йил тўққиз ой якунлари бўйича кўриб чиқилиши белгиланди.

Бундан ташқари, Давлат бюджети тўловлари бўйича жорий йил учинчи чораги, шу жумладан, июль ойи учун белгиланган прогноз кўрсаткичларининг бажарилишини таъминлашда йўл қўйилган камчиликлар ҳам муҳокама қилинди. Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус, Хоразм вилоятининг Урганч шаҳар солиқ идоралари раҳбарлари интизомий жазога тортилди. Фаолияти қониқарсиз деб топилган Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон, Пастдарғом туманлари солиқ идоралари раҳбарлари эса эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.

Кун тартибидаги навбатдаги масала Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 октябрдаги 490-сонли қарорига асосан, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига мажбурий ажрат-

(Давоми 2-бетда).

Сўнгги соатда

ДОНИЁРНИНГ ЯНА БИР ҒАЛАБАСИ

Россиянинг Челябинск шаҳрида профессионал боксчилар иштирокида ўтказилган халқаро турнирда ҳамюртимиз Дониёр Раҳматуллаев навбатдаги жангини ўтказди.

Ўзбекистонлик чарм қўлқоп устаси Қозоғистон вакили Тоҳир Иброҳимовга қарши рингга чиқиб, рақибини очколар ҳисобида мағлубиятга учратди ва навбатдаги ғалабасини нишонлади.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири.

Ғолиблар Парижга боради

Акциядорлик тижорат «Ўзсаноатқурилишбанк»да «Париждаги Диснейленд боғида эсда қоларли саёҳат-2006» акциясининг ғолибларини аниқлаш маросими бўлиб ўтди.

Маълумки, ушбу акция шу йил 30 июндан 10 августгача Ўзбекистон Республикаси ҳудудида биринчи маротаба «Ўзсаноатқурилишбанк» ва VISA International билан ҳамкорликда ўтказилиб, акциянинг бош ютуғига Париждаги Диснейленд боғида дам олиш учун 4 кишидан иборат 2 та оила учун 2 та йўлланма ва 2000 та рағбатлантирувчи мукофотлар қўйилган эди.

Промо-акция давомида «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг 10956 та VISA Electron ва VISA Classic карточкалари эгалари қатнашиб, улар томонидан умумий суммаси 1 млрд. 215 млн. 64 минг 671 сўмлик жами 165718 тадан ортиқ транзакциялар, яъни харидлар амалга оширилди.

Танлов натижасига кўра чирчиқлик Надежда Александровна Никитина ва Фарғона шаҳридан Худойберди Миразизович Ҳайдаров ғолиб деб топилди.

Ғолибларни тақдирлаш маросими шу йил 9 сентябрь куни «Гранд Мир» меҳмонхонасида ўтказилади.

Ўз мухбиримиз.

ДЎСТЛИК ФЕСТИВАЛИ

Жиззах шаҳридаги Мустақиллик майдонида «Қудратимиз — дўстлик ва ҳамжиҳатликда» мавзуида фестиваль бўлиб ўтди. Тадбирга ташриф буюрган минглаб кишилар фестиваль олдидан вилоятдаги рус, қирғиз, қозоқ, корейс, тожик, татар миллий маданий марказлари ташаббуси билан уюштирилган «Миллий кийимлар ва миллий таомлар» кўргазмасини томоша қилишди. Сўнг миллий маданий марказлар қошидаги бадиий ҳаваскорлик дасталарининг чиқишлари бошланди. Яллаю ўланлар биргаликда куйланди, лапарлару полкага рақса тушмаган қолмади.

Баҳриддин САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Олий Мажлис Сенатининг еттинчи ялпи мажлиси олдидан

Бугун юртимизда демократик, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг мустаҳкам пойдевори қўйилмоқда, барқарор ривожланаётган бозор иқтисоди асослари шаклланаётир. Турмушимизнинг барча жабҳаларида ўзгаришлар, янгиланишлар содир бўлмоқда. Шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси тубдан ўзгариб, ишлаб чиқариш корхоналари кўпаймоқда. Иқтисодий ислоҳотлар ўз мевасини бера бошлади. Энг қувонарлиси, бу ислоҳотлар турмушимизнинг барча йўналишлари — сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-маънавий ҳамда жамият ва давлат қурилиши соҳаларини қамраб олаяпти.

Бу янгиланишлар бевосита парламентимиз ҳаётида ҳам акс этди. Бугун парламентимиз икки палатада иш олиб бормоқда. Бу яратилаётган қонунларимизнинг янада мукаммал бўлиши учун хизмат қилаётир, парламентимизнинг халқ билан тобора яқинлашуви учун асос яратмоқда. Айниқса, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Олий Мажлис ҳар иккала палатасининг қўшма йиғилишида депутатларимиз ва сенаторларимиз олдига улкан вазифалар қўйган эди. Шу давр мобайнида бу борада бир қатор ишлар амалга оширилди. Олий Мажлис Сенати қўмиталарининг қонунчилик, назорат-таҳлил фаолиятларида ҳам жонланиш сезилди. Бундай янгиланишларни биз парламентимиз Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасида ҳам кўрдик ва мазкур қўмита аъзоси Неъматилла ФАЙЗИЕВдан бу ҳақда батафсил гапириб беришини илтимос қилдик.

ҚОНУН — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

— Ҳисобот даврида қўмита томонидан Сенат қўмиталарининг 2006 йилга мўлжалланган қонунчилик, назорат-таҳлил фаолияти ва тадбирлар режаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралда бўлиб ўтган йиғилишидаги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2006 йил 24 февралда ўтказилган бешинчи ялпи мажлисидаги «Мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш фаолиятимиз мезони бўлиши даркор» номли маърузаларининг асосий қоидаларини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлари асосида олиб борилди, — дейди Н.Файзиев. — Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ҳаракат дастури ва бошқа қатор ҳужжатлар ҳам фаолиятимизнинг мезонига айланди.

Қонунлар — жамиятимиз кўзгуси, таянчи. Юксак сифатли қонун эса жамият ҳаётидаги манфаатлар уйғунлигини, тараққиётимиз салоҳиятини ҳам белгилаб беради. Шу жиҳатдан олиб қараганда, қўмитамиз қонунчилик фаолияти ҳам анча шаклланганлигини айтиб ўтишимиз жоиз. Шу давр мобайнида «Хусусий турар-жой ширкатлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Ҳўжалик процессуал кодексининг 19-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги, «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги Қонунлар дастлабки тарзда кўриб чиқилди. Маълумки, «Хусусий турар-жой ширкатлари тўғрисида»ги Қонун тўртинчи ялпи мажлисда рад этилган эди. Келишув комиссияси томонидан тайёрланган қонун лойиҳаси қуйи палата томонидан қабул қилиниб, Сенатга юборилган ва у бешинчи ялпи мажлисда маъқулланган.

«Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги Қонун олтинчи ялпи мажлисда рад этилди. Мазкур қонун лойиҳаси ҳозирда келишув комиссияси томонидан тайёрланмоқда. Иккита қонун эса олтинчи ялпи мажлисда маъқулланди.

Айни пайтда қўмитамиз Олий Мажлис Сенатининг еттинчи ялпи мажлисига кўриб чиқиш учун Қонунчилик палатаси томонидан киритилган «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ва «Нотариат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги, «Ипотека тўғрисида»ги, «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари юзасидан тузилган ишчи гуруҳлари билан биргаликда тайёргарлик ишларини олиб бормоқда. Қўмитанинг, шунингдек, назорат-таҳлил фаолияти ҳам самарали бўлди. «Нотариат тўғрисида»ги Қонуннинг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ижро этилиши ўрганилди. Ўрганиш ва таҳлиллар натижаси жорий йил 23 июнда қўмита мажлисида муҳокама қилинди. Мазкур масала юзасидан қабул қилинган қўмита қарори ҳамкорликда ижро этиш учун Адлия вазирлиги ва бошқа давлат идораларига юборилди. Бундан ташқари, қўмита Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2005 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини олтинчи ялпи мажлис муҳокамасига олиб чиқди. Ҳисобот юзасидан Сенат қарори лойиҳаси тайёрланди. Бош прокуратура фаолияти қўмита йиғилишида таҳлил қилинди.

Ҳисобот даврида қўмита жойларда ҳам бевосита тадбирларни амалга оширди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловнинг ҳуқуқий асослари, нотариат фаолиятини ташкил этиш: назария ва амалиёт, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари кенгашлари ва фуқароларининг ўзини ўзи бошқариш органларининг минтақавий муаммоларни ҳал қилишдаги роли каби тадбирлар кенг жамоатчилик томонидан қизғин кутиб олинди. Бу қўмитанинг белгиланган режалари асосидаги тадбирлардир. Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг Фуқаролик ва оила масалалари бўйича ишчи гуруҳи Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексини такомиллаштириш юзасидан бир қатор таклиф ва тавсиялар билдирдилар. Семинарда сенаторлар, Олий суд, Олий хўжалик суди, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Савдо-саноат палатаси вакиллари ва бошқалар амалдаги қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Сенат Кенгашининг 2006 йил 4 апрелдаги Қарори билан тасдиқланган Ҳаракат дастури бўйича ҳам қўмита зиммасидаги вазифалар юзасидан бир қатор ишлар қилинди. Жумладан, Қонунчилик палатаси қабул қилган қонунларни Сенат қўмиталари томонидан олдиндан кўриб чиқиш тартиби тўғрисида Низом, минтақавий ривожланиш масалаларини ҳал этишда Сенатнинг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари билан ҳамкорликда амалга ошириш механизмини яратиш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг намунавий Регламенти ҳамда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг доимий комиссиялари тўғрисидаги намунавий Низом тайёрланди. Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари фаолиятини ташкил этишга доир тавсиянома ишлаб чиқилди.

Бундан ташқари Сенат Кенгашининг қарори билан шу йилнинг май-июнь ойларида бўлиб ўтган фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссия ишини уюштириш қўмита зиммасига юклатилди. Сайлов жараёнида Бухоро, Навоий, Самарқанд, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида ўтказилган семинарларда қўмита раиси маърузалар ўқиди. Сайловга доир рисола, газеталарда қатор мақолалар чоп этилди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, қўмита 2006 йилда мўлжаллаган ўз режаларини бажармоқда. Сенатнинг бешинчи ва олтинчи ялпи мажлисларида қабул қилинган қонунларнинг аҳоли ўртасида тарғиботи яхши йўлга қўйилган. Буларнинг барчаси Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги йўлидаги катта ҳаракатларимизнинг бир бўлагидир, холос. Зеро, мамлакатимизда олиб борилаётган демократик янгиланиш ва эркин ижтимоий тузумга хос қадриятларни ўзида тўла мужассам этган фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги босқичма-босқич изчил саъй-ҳаракатларимиз давом этаверади ва энди бизни бу йўлдан ҳеч қандай куч тўхтата олмайди. Бу муқаррар қонуний жараёндир.

Э.БОЛИЕВ ёзиб олди.

Мустақилликнинг «овози»

Мен уни ўз қулоғим билан эшитдим

Қаерда, қандай қилиб дейсизми?

Мен шаҳарнинг «Марказ-1» мавзесида яшайман. Пенсионерман. Ҳар куни, баъзан кунора эрта билан уйдан чиқиб, машиналар кам қатнайдиган йўллардан, «Амир Темур» майдони, «Сайилгоҳ» кўчаси орқали Мустақиллик майдонига келаман, уни айланаман. Ўриндиқларда ўтириб дам оламан, хаёлан ўтган кунларни эслайман.

Кунлардан бирида ҳар кунги йўлимдан бораётган эдим, беҳосдан қулоғимга:

— Ассалому алайкум, отажон, амакилар, тоғалар. Мен сизларни соғиниб, яна келдим, деган овоз эшитилди. Қарасам, бир мўйсафид Хотира майдонидаги «Тошкент вилояти» деб ёзиб қўйилган айвонча олдида эгилиб, салом бериб турибди. Иккинчи жаҳон урушидан қайтиб келмаганларнинг фамилиялари ёзилган тахтачаларни варақлаб биттасини очиб тўхтади. Ўтириб, овозини чиқариб қурьон тиловат қилди.

— Мен деҳқон оиласиданман, — деб гап бошлади у танишганимиздан сўнг. — Отамнинг айтишича, 1934 йилнинг баҳорида Андижон вилоятидан анчагина пахтакорлар Тошкент вилоятига кўчириб келтирилган экан. Шуларнинг ичида бизнинг оила ҳам бўлган. Отам, онам ва мен. Поездда келаётиб, отам — биз пахта устасимиз, албатта, тегишлича иззат-икром кўрсатишса керак деб ўйлаган экан. Афсуски, ҳар бир оила ўзига қамишдан капа тикиб яшаган. Кейинчалик ертўла қазиб олишган.

Иккинчи жаҳон уруши бошланганда мен ўн бирга тўлиб, ўн иккига қадам қўйган эдим. 1942 йили ёзида отам армияга кетди. Бригадада отамнинг ўрнига сувчилик қилиш менга қолди. Бир йилдан кейин бизга «қорахат» келди. Ўша йиллари қишлоқдаги ҳар бир оила йил мобайнида давлатга 40 килограмм гўшт, 2 килограмм сарёғ, 30 дона тухум тўлаши мажбур эди. Иш ҳақидан олинадиган даромад солиғидан ташқари давлат заёмига ёзилиш ҳам мажбурий эди. Баъзи кунлари уйда нонимиз ҳам бўлмасди.

Уруш тамом бўлди. Ҳаёт изга туша бошлади. Бир куни бригадамизга маъруза ўқигани келган лекторга қаттиқ гапириб қўйувдим, дарров муҳокама қилишди.

Яратганга минг бор шукур Ўзбекистон мустақил бўлди. Энди ҳар гал Хотира майдонига келганимда, мустабидлик даврида чиқмаган овозимни ҳам қўшиб баланд овоз билан отам ва бошқа жангчилар хотирасига салом бераман.

У хайрлашиб, кетиб бораркан, армонлари ушалган бу одамнинг ортидан ҳавас билан узоқ термулдим.

Маматхон ТЕШАБОЕВ.

ДАМ ҒАНИМАТ, ФУРСАТ ҒАНИМАТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

ғишлаймиз, иложи борича пайкалдан чиқмай, ғўзаларни шамоллатамиз, техника ҳам кунда-кунора оралаб турса, ҳосилнинг пишиши тезлашади», дейишгач, фикримиз якдиллигидан суюниб кетдим.

Ҳақиқатан ҳам, ғалвир сувдан кўтариладиган палла яқинлашгани сари деҳқоннинг ишлари тиғизлашади. Буни тумандаги бошқа меҳнат жамоаларида ҳам кузатиш мумкин. Масалан, Абдували Мўминов номли, «Ғайрат» ширкат хўжаликларида оила пудрати имкониятларидан фойдаланиб, бўлажак ҳосилга пухта замин яратиб қўйилди. Ҳар икки хўжаликда бир туп ғўзада ўртача 10 донадан бўлиқ кўсак яратишга муваффақ бўлинди. Терим бошлагунга қадар ғўза яна икки марта сувдан чиқарилиб, қатор оралари икки марта юмшатилади, шарбат оқизилади. Шунда мавжуд кўсаклар тўлиб, ёнига яна 3-4 тадан ҳосил тугунчалари қўшилади. Долзарб юмушлар шунинг ўзигина эмас. Ўртада ҳосил зараркунандаларига қарши кураш масаласи ҳам турибди.

— Агар бугун эҳтиёт бўлинмаса, очилай деб турган кўсакни қуртга едириб қўйиш ҳеч гап эмас, — дейди «Баркамол» фермер хўжалиги етакчиси Икромжон Отавалиев. — Тезлик билан у йўқотилмаса, биттаси 10-12 та кўсакни нобуд қилиши мумкин. Гектарига ҳисобланганда, бу 10-12 центнердан ҳосил йўқотилишига олиб келади. Ҳашарот текширувчимиз бошчилигида пайкалларга ҳар куни эрталаб трихограмма қўяяпмиз. У яна бир текинхўр-ўргимчакканага ҳам қирон келтиради. Жойларда ташкил этилган мавсумий лабораториялардан уларни буюртма асосида пешма-пеш олиб турибмиз.

Ҳосил тақдири билан боғлиқ ширин ташвишларни ортмоқлаган бундай сергак кишиларни туманнинг ҳамма-ҳамма жойида учратасиз. Бири экинни оби-тобида суғоришим керак, суғориш ортиқча бўлса, ғўза ғовлаб кетади, кам бўлса, кўсак бемаврид очилиб, пахта тарози босмайди, дея эгат оралайди. Бошқаси бўлса, культиваторни деҳқоннинг капгири ҳисоблаб, тупроққа тафт киритиш, шу орқали ҳосил салмоғини ошириш билан банд.

Бугун туман далаларида 166 та чопиқ трактори ишлаяпти. Мутахассислар ҳозиргача 450 гектар майдонда ғўза 10-12 тадан кўсаклаганини айтишди. Бу — яхши, бироқ унинг ёнида эндигина 5-6 тадан кўсак туккан 1292 гектар экинзор ҳам бор. Қўшимча ишлов, озуқа бериб, уларда ҳам мўлжалдаги ҳосилни тўплашдан муҳим иш йўқ бугун. Зарбдор ой тадбирларига кўра, августнинг қолган кунларида мавжуд пахта майдонларига яна икки мартадан сув таралиб, икки мартадан культивация қилинади. Ишда унум, сифат бўлиши учун сувчи ва механизаторларга қулай меҳнат шароити яратиб берилган.

Умуман олганда, уйчиликлар 24,5 минг тонналик хирмонни яратиш осон эмаслиги, унинг қут-баракаси кўпроқ айни кунлардаги меҳнат билан боғлиқ эканлигини сезиб ишлаётгани баҳорги режалар ижобат топишидан дарак бераётир.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Вазифалар белгилаб олинди

(Давоми. Боши 1-бетда).

малар, бадаллар ва тўловларни йиғиш ҳамда уларнинг тўлиқ тушишини назорат қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар муҳокамасига қаратилди. Бу йўналишда камчиликларга йўл қўйганлари учун Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон ва Хоразм вилоятлари бошқарма бошлиқларининг биринчи ўринбосарлари ва Нукус, Тўхтакўпир, Балиқчи, Хўжаобод, Янгибозор, Ҳазорасп туманлари солиқ идоралари раҳбарлари интизомий жазога тортилдилар.

Шу билан бирга, йиғилишда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 25 мартдаги 140-сонли қарорига асосан, давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкларни олиб қўйиш, ҳисобга олиш, сотилишини таъминлаш борасида Қашқадарё, Фарғона, Наманган вилоятлари бошқармалари, Сирдарё вилоятининг Гулистон, Янгиер шаҳарлари ҳамда Сирдарё, Ховос туманлари солиқ идоралари томонидан амалга оширилаётган ишлар муҳокама этилди. Йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишга қаратилган топшириқлар берилди.

Ҳайъат йиғилишида боқиманда қарзларини ундириш, унинг пайдо бўлишига йўл қўймаслик масаласига ҳам жиддий эътибор қаратилди. Навоий, Андижон, Сирдарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятларида боқиманда қарзларнинг ўсиш ҳолатлари кузатилгани таъкидланди. Шу боис уни бартараф этиш борасида ўз ваколати доирасида фаол ҳаракат қилмаган бир қатор солиқ идоралари раҳбарларига нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилди.

Йиғилишда Тошкент шаҳри ва бир неча вилоятларда ҳукуматнинг бозорлар фаолиятини яхшилашга доир қарорлари ижроси ҳам таҳлил қилинди. Бу соҳада йўл қўйилган хато ва камчиликлар кўрсатиб ўтилди. Тошкент шаҳрининг Бектемир, Шайхонтоҳур, Учтепа, Сирғали, Юнусобод туманлари Давлат солиқ инспекциялари раҳбарлари фаолияти қониқарсиз, деб топилди. Мазкур камчиликларни бартараф этиш учун уларга муайян муддат берилиб, бу масалани тўққиз ой якуни бўйича кўриб чиқишга қарор қилинди.

Кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан ҳайъат қарори қабул қилинди, ҳудудий бошқармаларга тегишли топшириқлар берилди.

Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизмати.

МДҲ МАМЛАКАТЛАРИДАГИ ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШ РАҚАМЛАР КЎЗГУСИДА

Ҳар қандай мамлакат фуқароларининг турмуш даражаси кўп жиҳатдан у ердаги жиноятчилик даражасига боғлиқдир. Аниқроқ қилиб айтганда, — чор атрофда жиноятчилик қанча кам бўлса, ҳаёт шу қадар яхши бўлади. Ва аксинча, жиноят қанча кўп содир этилса, турмуш ҳам шунчалик нотинч ва беҳаловат бўлади. Жамиятшунослар тўғри таъкидлашганидек, жиноятчиликнинг кенг тарқалиши нафақат фуқароларнинг иқтисодий манфаатларига, ўзларининг соғлиғи ва ҳимояланиш ҳис-туйғуларига, балки кўп жиҳатдан мамлакатнинг иқтисодий натижаларига ҳам путур етказиши мумкин. Қуролли босқинчилик ва қотилликдан тортиб, то уй тунашлар ва оддий безориликкача бўлган турли кўринишдаги жиноятчиликлардан фуқароларнинг ҳимояланганлик даражаси асосий омиллардан бири ҳисобланадики, бу уларнинг ҳаётий режаларига ўз таъсирини кўрсатади. Одамлар хавфсизлиги таъминланишига кўп нарса боғлиқ: улар фарзанд тарбиялашга тайёрми, ўз яқинларининг ҳаёти ва саломатлигидан хавотирланмасдан осуда меҳнат фаолияти билан шуғуллана оладиларми, улар орттирган мол-мулк сақланиши таъминланадими?

Шубҳасиз, МДҲдаги қатор мамлакатлар ҳуқуқни ҳимоя қилиш идораларининг асосий ютуқлари жиноятчилик билан кураш борасидаги вазиятни умумий соғломлаштиргани бўлди. 1990 йилларга хос бўлган бошбошдоқлик ва жиноий ҳаддан ошишлар кўп жиҳатдан йўққа чиқарилди. Шу билан бирга, собиқ иттифоқнинг қатор мамлакатларида ҳали-ҳамон уюшган жиноятчиликнинг роли ўсиб бормоқда. Оғир жиноятчиликнинг айрим кўринишларини камайтиришга эриша олинмаяпти, жиноий бизнеснинг янги кўринишлари пайдо бўлмоқда.

Айрим давлатларда ёш авлод ўртасида салбий тенденциялар тарқалишини даф этишга муваффақ бўлинмаяпти, мактабларнинг оддий юқори синф ўқувчилари ҳамда талабалар нафақат жиноятчиларнинг ҳаёт тарзидан нусха олишмоқда, балки улар уюшган жиноий гуруҳлар бўлинмаларини ҳам тузишмоқда.

Мавжуд статистика маълумотларига биноан, МДҲнинг қатор мамлакатларида жиноятчиликнинг ҳолати ҳақида мулоҳаза юритадиган бўлсак, қуйидаги манзарани кўриш мумкин бўлади: жорий йилнинг биринчи ярми мобайнида Украинада 212 385 та жиноят содир этилган, Қозоғистонда – 68 900, Ўзбекистонда – 38 725.

Олти ой мобайнида Украинада 1639 марта, Қозоғистонда – 873, Қирғизистонда – 190, Ўзбекистонда — 445 марта қотиллик ҳолати содир этилган. Талончилик ҳолати бўйича — Украинада 20301 та, Қозоғистонда – 6092, Ўзбекистонда – 774 та. Ўғрилик ҳолати бўйича: Украинада – 62799, Қозоғистонда – 27934, Ўзбекистонда – 7761 та. Бунда шуни ҳам эътиборга олиш лозимки, Украинада 47 миллиондан сал кўпроқ, Қозоғистонда 15.1 миллион, Ўзбекистонда 26.5 миллион аҳоли истиқомат қилади.

Агар дунёда кенг қўлланадиган усул билан жиноятчилик кўринишларининг сони ҳар 100 минг нафар аҳолига нисбатан олинадиган бўлса, қатор мамлакатларда бу соҳадаги кўрсаткичлар жуда юқорилигича қолаётгани аён бўлади.

Жорий йилнинг ўтган олти ойида Қозоғистонда ҳар 100 минг кишига 464, Украинада – 433, Қирғизистонда — 292, Ўзбекистонда эса — 146 жиноят тўғри келган.

Қотиллик ва номусга тажовуз этиш сингари оғир жиноят турлари билан боғлиқ вазият ҳам тахминан ана шундай. Юқорида қайд этилган давр мобайнида Қозоғистонда 5,9 марта қотиллик ва 4,9 марта зўрлаш ҳолатлари содир этилган. Қирғизистонда бундай жиноятларнинг даражаси — 4,1 ва 2,5, Украинада — 3,5 ва 1 маротабани ташкил этади. Бахтга қарши жамоат учун хавфли бундай кўринишдаги ҳатти-ҳаракатлар бизнинг мамлакатимизда содир этилмаётир, деб айта олмаймиз. Бироқ, бошқа давлатлар билан қиёслганда, Ўзбекистонда оғир жиноятлар содир этилиши даражаси пастроқдир. 2006 йилнинг ўтган даври мобайнида мамлакатда ҳар 100 минг нафар кишига 1,6 жиноят содир этилгани тўғри келади.

Шу йилнинг олти ойида Қозоғистонда оғир тан жароҳатлари етказиш йўли билан содир этилган ҳар 100 минг кишига 6,95 та жиноят ва 41,1 та талончилик ҳолати тўғри келади. Украинада эса — 5,47 ва 48,9. Ўзбекистонда бу кўрсаткичлар 2,36 ва 28,8 тани ташкил этди.

АҚШда жиноятчиликлар билан боғлиқ аҳвол тўғрисидаги ахборот ҳам ўқувчилар учун қизиқарли бўлса керак. 2004 йилда мазкур мамлакатда 11 миллион 695 минг марта жиноят содир этилган — бу ҳар 100 минг кишига 1 минг 367 та жиноят деган гап. Шулардан 16 минг 137 таси қотиллик, 94 минг 635 таси номусга тажовуз этиш, 401 минг 326 таси талончилик, 954 минг 911 таси босқинчилик, 2 миллион 143 мингтаси фирибгарлик ҳамда 6 миллион 947 минг 685 таси ўғрилик ҳолатларидир.

Ҳеч кимга сир эмаски, шаҳарларимиз кўчаларидаги осойишталик, фарзандларимизнинг хавфсизлиги ҳамда давлат мулки ва хусусий мулкнинг ҳимояланиши нафақат ҳуқуқни муҳофаза этиш идоралари фаолиятига, балки оддий фуқароларнинг ҳушёрлигига, улар ҳуқуқий онгининг даражасига ҳам боғлиқдир. МДҲ мамлакатларида Ўзбекистон тўғрисида жиноятчиликнинг даражаси паст бўлган ҳамда аҳоли билан ҳуқуқ-тартибот идоралари ўртасида ҳамкорликнинг самарали тизими мавжуд бўлган энг осойишта мамлакатлардан бири, деган фикр шаклангандир.

Темур ПЎЛАТОВ.

ГАЗЕТАЛАРНИ ВАРАҚЛАГАНДА

ЎТКАЗИБ ЮБОРМАНГ

«Ўзбекистон овози» 15 август.
Кавамура Хирочи, Японяидаги «JTB» сайёҳлик фирмаси ходими: «Ўзбеклар меҳнатсевар халқ экан»:

«Кўз билан кўрганга не етсин. Марказий Осиёдаги энг тинч ва барқарор ривожланаётган мамлакатингизга қадам босарканман, тасаввурларим янада ойдинлашди. Буни қарангки, Ўзбекистон ҳақиқатан ҳам жаннатмакон ўлка экан. Илгари бу заминда бўлмаганим боис ҳайратдан ёқа ушладим».

«Қишлоқ ҳаёти» 15 август.
Нодир Нарзуллаев «Ватан кўксидаги саждагоҳ»:

«Дарҳақиқат, Мустақиллик ва Эзгулик деган икки буюк қадрият жамулжам майдонда ҳам сиёсий, ҳам инсоний бир маъно мужассам. Аввало, бу ерга қадам ранжида қилган фарзандларимиз юрт мустақиллигини асраш, озодлигини ҳимоя қилиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз эканлигини теранроқ англашади. Уларнинг қалбида мустақиллик туфайли мана шундай улуғ масканга эга бўлдик, деган ўй муҳрланади. Шундай покиза бир зиёратгоҳ, тинчлик ва барқарорлик тимсоли сифатида мўъжизакор қиёфага эга Бош майдон озод ва обод Ватанимизнинг энг кўркам гўшаси эканлигини ҳам чин дилдан ҳис қиладилар».

«Фидокор» 15 август.
Нурбой Жабборов «Истиқлол ва миллий шеърият»:

«Мустақиллик даври ўзбек шеърияти миллий адабиётимиз ривожланиш босқичида эканидан дарак беради. Шеъриятимизнинг келажагига умид билан қараш учун етарли асослар бор. Миллий шеъриятимиз ёш авлод тафаккурини, онгини маърифат зиёси билан шуълалантириш, бу орқали нурли истиқболга хизмат қилишдек мўътабар ишда бундан кейин ҳам етакчи ўрин тутади, деб ишонамиз».

«Инсон ва қонун» 15 август.
Абдукамол Раҳмонов «Инсон ҳаёти дахлсиз»:

«Ҳаёт — инсон учун энг олий неъмат. Буюк ватандошимиз Имом Бухорийнинг саҳиҳ ҳадисларида «Мусулмонни сўкмоқ — фиск, ўлдирмоқ — куфрдур!», дейилади. Албатта, бу ҳикмат замирида инсон назарда тутилган. Ваҳоланки, бу неъмат фақат Яратганнинг ўзи томонидан берилади. Шундай экан, ундан маҳрум қилиш шафқатсизликдан ўзга нарса эмас».

Ёшлар билан учрашув

Мамлакатимиз мустақиллигининг яқинлашиб келаётган 15 йиллик байрами олдидан Янгийўл туманидаги "Янгийўл" кўп тармоқли санаторийсида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент вилоят кенгаши ва "Ёшлар" телерадиоканали ҳамкорликда пойтахт вилоятидаги ёшлар билан учрашув ўтказди.

Тадбирда халқ хўжалигининг турли тармоқларида фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзолари бўлган тадбиркор ва фермерлар иштирок этишди.

Бугун мазкур партиянинг жамиятимизда мавқеи ошиб бормоқда. Шу боис унинг аъзолари сони ҳам йилдан-йилга кўпаймоқда. Партия одамлар ичига кириб бориб, уларнинг дарди ва ўйлари билан яшамоқда, зарур бўлса, муаммоларини ечишга яқиндан ёрдам бермоқда. Хусусан, ишбилармонлар ва фермерларнинг оғирини енгил қилиш борасида муайян ишларни амалга оширмоқда.

— Мустақил равишда ер олиб, деҳқончилик қилаётганимга беш йилдан ошди, — дейди Чиноз туманидаги "Элдор" фермер хўжалиги раҳбари Ҳури Лаканова. — Ҳар йили шартнома режаларини ортиғи билан уддалаб келяпмиз. Партиянинг фаол аъзосиман. Эришаётган ютуқларимизда партиянинг ҳам алоҳида ўрни бор. Масалан, бундан бир неча йил илгари кредит олишда бироз тўсқинликка учрагандик, партия аралашиб, ижобий ҳал қилиб берди. Ажратилган маблағга трактор олдик, натижада ишимиз янада юришиб кетди. Фермерликдан барака топдим. Тўйлар қилиб, фарзандларимни уйли-жойли қилдим. Шу билан бирга, бугунги тадбир ташкилотчиларига шундай хушманзара жойда учрашув уюштиргани учун миннатдорчилик билдираман.

Учрашув қатнашчилари "Ёшлар" телерадиоканали ижодкорлари ва Ўзбекистон Либерал-демократик партияси вилоят кенгаши раҳбарларидан ўзларини қизиқтираётган саволларга жавоблар олишди.

Ўзаро мулоқот тадбир қатнашчиларига ўз фикрларини тўлиқ билдириш имконини берди.

Ҳосил КАРИМОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Таълим ва ҳаёт

Тошкент Ирригация ва мелиорация институтида (ТИМИ) Голландиянинг Вагенинген университети билан ҳамкорликда жорий йилнинг июль ойи охирларида TEMPUS TEAM IB JEP — 25204-2004 «Атроф муҳит ҳолатини баҳолаш ва мониторинг соҳасида малака ошириш» лойиҳаси доирасида навбатдаги семинар ўтказилди.

ЭКОЛОГИК МАЪРИФАТ ЧУҚУРЛАШМОҚДА

Ушбу бир ҳафталик интенсив курс мавзуси «Пестицидларнинг атроф муҳит ҳолатига таъсири» деб номланган бўлиб, республикамиз олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежларининг атроф муҳит муҳофазаси ва сувларнинг сифати бўйича профессор — ўқитувчилари ҳамда табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари ходимлари учун ташкил этилди.

Семинарда Вагенинген университети доктори Паул Ван ден Бринк «Миллий ва Европа ҳамжамияти доирасида пестицидларнинг хавфини баҳолаш (Сув тизимларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари)», «Ер усти сувларига бўладиган таъсирларни баҳолаш», «Химикатлар хавфини баҳолашда турлар (синфлар) сезгирлигининг тарқалиши тушунчасидан фойдаланиш», «Экотоксикологияда экотизим моделли ёндашув», «Атроф муҳит кўрсаткичлари ва намуна олиш стратегиялари» каби мавзулардаги маърузаларни тақдим этди. Шунингдек, экологик соҳада фаолият юритаётган маҳаллий мутахассислардан Аналитик назоратга ихтисослашган давлат инспекция бўлими бошлиғи З.М.Сулайманованинг, ТИМИ профессорлари Э.И.Чембарисов ва З.Ш.Каримов, Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти профессори Ш.Т.Хўжаевларнинг маърузалари ҳам тингловчиларда яхши таассурот қолдирди.

Анжуманда тингловчи сифатида Қорақалпоғистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ходимлари ва касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари, Қашқадарё вилоятидаги касб-ҳунар коллежлари ва Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ўқитувчилари ҳамда Тошкент вилояти касб-ҳунар коллежлари ўқитувчиларидан 27 нафари ҳамда ТИМИ ўқитувчилари ва талабалари иштирок этдилар.

Голландия давлатидан келган мутахассис 25 июль куни Қорақалпоғистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида қўмита ходимлари ҳамда Қорақалпоғистон Давлат университети профессор — ўқитувчилари учун тақроран маърузалар ўқиди. Тингловчи сифатида қатнашган 21 нафар ходим ва ўқитувчи ўзларини қизиқтирган саволларга тўлиқ жавоблар олдилар. Шунингдек, доктор Паул Ван ден Бринк 27 июль куни Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида бўлиб, бу ерда ҳам вилоятлардан келган атроф муҳит муҳофазаси хизмати бошлиқлари ва ходимлари билан юқорида эсланган мавзуларда суҳбатлар ўтказди.

ТИМИда, Қорақалпоғистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмиталарида қизғин савол-жавоблар, баҳсмунозаралар билан ўтган илмий-амалий анжуманларда барча иштирокчилар атроф муҳит муҳофазаси шароитида пестицидни қўллаш муаммолари бўйича жаҳон илм-фанининг энг сўнгги маълумотлари ва тажрибаларидан огоҳ бўлдилар.

Умуман айтганда, лойиҳага биноан атроф муҳит муҳофазаси соҳасида дунёда мавжуд билим ва тажрибаларни тарғиб этиш мақсадида 24 та илмий-амалий семинар уюштириш режалаштирилган. Уларда мамлакатимиздаги атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳаси ходимлари ҳамда соҳа ўқитувчиларидан 600 дан кўпроғи малака оширадилар. Лойиҳа юртдошларимизда экологик маърифатни такомиллаштириш мақсадларига хизмат қилишда давом этмоқда.

М. САФАРОВ.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки эҳбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 15 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:/*

1 Австралия доллари	941,57
1 Англия фунт стерлинги	2323,73
1 Дания кронаси	209,71
1 БАА дирҳами	334,15
1 АҚШ доллари	1227,28
1 Миср фунти	213,77
1 Исландия кронаси	17,33
1 Канада доллари	1093,15
1 Хитой юани	153,64
1 Малайзия рингитти	333,27
1 Польша злотийси	406,10
1 СДР	1822,93
1 Туркия лираси	846,69
1 Швейцария франки	990,54
1 ЕВРО	1563,92
10 Жанубий Корея вони	12,71
10 Япония иенаси	105,51
1 Россия рубли	45,81
1 Украина гривнаси	243,03

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

34 кунлик уруш

Исроил бош вазири Эҳуд Олмерт мамлакат парламенти — Кнессетда қилган чиқишида Ливан билан тинчлик битими эълон қилинган бўлсада, расмий Тель-Авив «Ҳизбуллох» етакчиларини таъқиб қилиш давом этишини маълум қилди.

У Ливанга нисбатан олиб борилган уруш «Ҳизбуллох»га етарли даражада талафот кўрсатмаганини тан олди. «Ҳизбуллох» етакчиси Ҳасан Насрулла Исроил билан кечган урушда гуруҳнинг қўли баланд келганлигини билдирди. Бундан ташқари, етакчи Исроил томонидан берилган ҳаво зарбаларидан вайронага айланган мамлакатни тиклашда Ливан ҳукуматига яқиндан кўмак берилишини таъкидлади.

34 кун давом этган уруш оқибатида Ливаннинг 1071 нафар фуқароси ҳалок бўлди. Тўққиз юз мингга яқин аҳоли қочқинга айланди. Исроил эса 114 нафар ҳарбийсидан айрилди, 43 нафар тинч аҳоли қурбон бўлди. Мазкур уруш иккала томон учун ҳам катта иқтисодий йўқотишлар олиб келди. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, Ливан 2,5 миллиард доллар, Исроил эса 1,1 миллиард доллар зарар кўрган.

Ливандаги БМТ тинчликпарвар кучларига кўмондонлик қилаётган генерал-майор Ален Пеллегрини мамлакат жанубида ҳарбийлар сонини зудлик билан кўпайтиришга чақирди. Ҳозирда мамлакат жанубига 15 минг нафар БМТ контингентини жойлаштириш кўзда тутилган. Шундан сўнг, Исроил армияси босқичма-босқич Ливанни тарк этади. Бироқ ҳозирча бирорта мамлакат ҳам Ливанга ўз ҳарбийларини жўнатиш масаласини узил-кесил ҳал этгани йўқ.

Хунрезлик авж олаяпти

Шри-Ланка пойтахти Коломбо шаҳрида юз берган портлаш оқибатида етти киши қурбон бўлди. Мамлакат президенти Махинди Ражапаксе резиденцияси яқинига ўрнатиб кетилган портловчи мослама Покистон элчиси машинаси яқинлашганда портлаб кетди. Бироқ, элчи жароҳатланмади.

Сўнгги бир неча ой давомида Шри-Ланкада исёнчилар ва ҳукумат кучлари ўртасидаги зиддият кучайиб бормоқда. Тўқнашувлар натижасида юзлаб одам қурбон бўлди, бир неча минглаб аҳоли ўз уй-жойларини мажбуран ташлаб кетмоқда. Айниқса, Жафна ярим оролида жанглар шиддатли кечмоқда. Мазкур ҳудудда исёнчилар назоратни ўз қўлларига олганлар.

Януковичнинг Москвага сафари

Виктор Янукович Украина Бош вазири лавозимини эгаллагандан сўнг, ўзининг биринчи хорижий сафарини Россиядан бошлади. У расмий Москва билан газ ва нефть етказиб бериш масаласини муҳокама қилишни режалаштирган. Бош вазирнинг сўзларига қараганда, унинг ҳукумати жорий йилда Россия билан газ масаласида эришилган битимни қайта кўриб чиқишни ўз олдига мақсад қилиб қўймаган. Украинага етказиб берилаётган газ нархини пасайтиришни Россия тарафи истагандагина битимга ўзгартириш киритилиши мумкин, деди Янукович.

Тахминлар ҳақиқатга айланди

Буюк британиялик олимлар аҳолини Ер сайёрасида ҳавонининг исиб кетиши яқин 200 йил давомида ўрмон ёнғинлари ва сув тошқинларининг кўпайиши ҳамда қурғоқчиликнинг кучайишига олиб келишидан огоҳлантирмоқда.

Бристол университети иқлимшунос олимларининг ишонч билан тасдиқлашларича, мабодо атмосферага чиқарилаётган чиқинди миқдори кескин камайтирилса, иқлимнинг мўътадил ҳолатда қолиши таъминланади.

Олимлар парник газлари иқлимга қандай салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги устида узоқ вақт мобайнида тадқиқот олиб бордилар ҳамда шу пайтгача илгари суриб келинаётган турли хавотирли тахминларнинг ҳақиқатга яқин эканлигини исботлашди. Манбада келтирилишича, Евроосиё, Шарқий Хитой, Канада ва Амазонкада ўрмон ёнғинлари хавфи катта. Шимолий Африка, Жанубий Европа ҳамда АҚШнинг шарқий қисмида жойлашган бир қатор штатларда қурғоқчилик кучайиб бориши ҳамда ичимлик суви таъминотида муаммо юзага келиши мумкин.

BELARUS®
МИНСК ТРАКТОР ЗАВОДИ
Ўзбекистон Республикасидаги расмий дилери орқали
МТЗ «Беларус» ТРАКТОРЛАРИ
МИНИ ТЕХНИКА ва улар учун эҳтиёт қисмларни таклиф этади.
KAMMAZ ARSENAL
Тошкент ш., Братислава к., 11.
Тел.: 361-40-33, 361-40-90.
факс: 152-73-81. Сайт: www.uzkam.com

Российский линолеум
производства ОАО «ЩекиноАзот» г. Тула
и славянские обои
тел. 134-48-11, факс 134-49-58.

РЕСПУБЛИКА АКЦИОНЕРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ «ҒАЛЛАБАНК»

Мустақил юртимиз фуқароларини мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллиги билан муборакбод этади ва «TUHFA» деб номланган қисқа муддатли омонат турларидан фойдаланишни таклиф қилади. Мазкур омонатларга маблағлар жорий йилнинг 10 август - 8 сентябрь кунлари 3 ой муддатга қабул қилинади ва йиллик 24 фоиз миқдорида устама тўланади.

Шу билан бирга, доимий равишда амалда бўлган қуйидаги омонат турларига ҳам маблағлар қабул қилинаётганлигини маълум қиламиз:

Омонат тури	Муддати	Йиллик фоизи	Бошланғич бадал (сўмда)	Асосий шартлари
Пластик карточка	муддатсиз	МБнинг қайта молиялаш ставкаси миқдорида	1000	Талаб қилиб олингунча сақланади, фоизлар кунлик ҳисобланиб, ой охирида капитализация қилинади, агар омонат қолдиғи 10000 сўмдан кам қолса, шу кун учун фоиз ҳисобланмайди.
Имконият	6 ой	18,0	10000	Омонат муддати тугагандан сўнг маблағни уй-рўзғор ашёси, енгил автомобиль, турар жойлар сотиб олиш мақсадида ишлатилади.
Саломатлик	11 ой	19,8	10000	Фоизлар фақат саёҳатга чиқиш ва саломатликни тиклаш учун сарфланади.
Нафақа-мададкор	1 йил	18,0	10000	Омонат фақат нафақахўрларга очилади.
Ishonch	3 ойдан-3 йилгача	18,0-20,4	10000дан 5000000гача	Маблағ 3 ойдан 3 йилгача муддатга қўйилиши мумкин ва тегишли шкала ҳамда ўзаро тузиладиган шартномага биноан тўлаб берилади.
Luks	3 ойдан-3 йилгача	18,6-21,0	5000000дан 10000000гача	Маблағ 3 ойдан 3 йилгача муддатга қўйилиши мумкин ва тегишли шкала ҳамда ўзаро тузиладиган шартномага биноан тўлаб берилади.
Kafolat	3 ойдан-3 йилгача	19,2-21,6	10000000дан юқори	Маблағ 3 ойдан 3 йилгача муддатга қўйилиши мумкин ва тегишли шкала ҳамда ўзаро шартномага биноан тўлаб берилади.
Istiqlol	6 ой	22	500000	Маблағ 2006 йилнинг 25 июль - 31 август кунлари қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар ҳар 3 ойда тўлаб берилади.
Farovonlik	3 ой	21	200000	Маблағ 2006 йилнинг 25 июль - 31 август кунлари қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагач тўлаб берилади.
Fayzli	2 ой	20	100000	Маблағ 2006 йилнинг 25 июль - 31 август кунлари қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагач тўлаб берилади.
Меҳригиё	18 ёшгача	15,6	10000	Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари номига ҳомийлик асосида махсус очилади ва 18 ёшга тўлганда берилади.
Kelajak	16 ёшгача	МБнинг қайта молиялаш ставкаси миқдорида	10000	Омонат 16 ёшгача сақланиб, фоизлар молия йили якунида тўланади.
Коммунал омонати	3 ой ва ундан юқори	21,6	100000	Аҳолига уй-жой, коммунал тўловлар хизмати ва электр тўловларини омонатчи иштирокисиз, фоизлар ҳисобидан, банк томонидан тўлаб борилади.

Омонатлар Ўзбекистон Республикаси Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади. Сизларни ўз мижозларимиз қаторида кўришдан мамнунмиз!

Мурожаат учун телефонлар: 136-26-57, 136-70-60, 132-16-55, 133-71-72.

Шунингдек, вилоят ва туман (шаҳар) марказларида жойлашган минтақавий филиал ва туман филиалларимизга мурожаат қилишингиз мумкин.

«Ғаллабанк» хонадонингизга барака келтирсин!

ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ИМКОНИЯТ

Қишлоқ жойларда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, кичик бизнес субъектлари инфратузилмасини яратиш, касаначиликни ривожлантириш каби муҳим ва долзарб вазифалар юртимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг асосини ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ 3750-сонли фармони 2006 йилнинг 5 майида эълон қилинди. Вазирлар Маҳкамасининг 78-сонли қарори асосида АТ «Тадбиркорбанк» негизида «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки ташкил қилинди.

— Шу мақсадда иш бошлаган Жиззах вилоят «Микрокредитбанк» бошқармаси ҳам ўз фаолиятини амалга оширмоқда, — дейди кичик бизнес субъектларини микрокредитлаш бўлими бошлиғи Абдусамад Тошбоев. — Қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида вилоят ҳокимлиги тасдиқлаган график асосида вилоятнинг барча туманларида фармон ва қарорнинг чуқур моҳиятини тадбиркор ва фермерларга етказиш учун бепул семинарлар ўтказилмоқда.

Тадбиркорларга қулайлик яратиш мақсадида Янгиобод, Дўстлик, Зафаробод туманларида мини-банклар очилди. Фориш ва Бахмал туманларида эса «Микрокредитбанк» ваколатхоналари иш бошлади.

«Микрокредитбанк» томонидан қуйидаги кредитлар мижозларга таклиф этилади:

— бошланғич сармоя кредитлари,

— бизнесни ривожлантириш ва айланма маблағларни тўлдириш учун кредитлар.

Бошланғич сармоя кредитлари — хусусий тадбиркорларга энг кам иш ҳақининг 50 бараваригача 5% йиллик устамаси билан 18 ой муддатгача, микрофирмалар, юридик шахс мақомига эга бўлган деҳқон хўжаликларига энг кам иш ҳақининг 100 бараваригача 5% йиллик устамаси билан 18 ой муддатгача, фермер хўжаликларига энг кам иш ҳақининг 200 бараваригача 5% йиллик устамаси билан 18 ой муддатгача имтиёзли кредитлар берилади.

Бизнесни ривожлантириш ва айланма маблағларни тўлдириш учун юридик шахс мақомига эга бўлган деҳқон ва фермер хўжаликларига ҳамда микрофирмаларга энг кам иш ҳақининг 500 бараваригача, яна энг кам иш ҳақининг 100 бараваригача 5% устамаси билан 18 ой муддатгача яна қўшимча 24 ой муддатгача, имтиёзли кредитлар ажратилади. Булардан ташқари, «Микрокредитбанк» томонидан юридик шахсларга, энг кам иш ҳақининг 2000 бараваригача Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизи миқдоридаги йиллик устамаси билан 36 ой муддатгача микролизинг хизматлари кўрсатиш каби чора-тадбирлар йўлга қўйилмоқда.

Айни вақтда вилоятда 6 нафар хусусий тадбиркорга 3160,0 минг сўм 8 нафар юридик шахсларга 33700,0 минг сўмлик имтиёзли микрокредитлар берилиб, 12 та фермер хўжалигига 93229,0 минг сўмлик микролизинг хизматлари кўрсатилди. Ҳаммаси бўлиб, ўтган вақт ичида кичик бизнес субъектларига 130709,0 минг сўмлик имтиёзли микрокредитлар ажратилишга эришилди.

Шу ўринда Президентимизнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик нафақат ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда асосий бўғин, балки аҳоли бандлиги ва даромадлар манбаининг, миллий фаровонликка эришишининг муҳим омили ҳам бўлиши даркор» деган фикрлари бугунги кунимизга ҳамоҳанглигини эслатиб ўтиш жоиздир.

Норқул МАМИРОВ.

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

Бутунжаҳон шахмат Олимпиадаси

Спортимиздаги янги истеъдод

«Ақл гимнастика»си деб, эътироф этиладиган шахматда юртимиз спортчилари эришаётган муваффақиятлар бугун барчага маълум. Рустам Қосимжоновнинг дунё шахмат тожини кийганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Ўзбекистонда унинг издошлари кўпаяётгани қувончлидир.

Куни кеча Туркияда 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида ўтказилган навбатдаги Бутунжаҳон шахмат Олимпиадасида ҳамюртларимиз муваффақиятли иштирок этдилар.

Олимпиаданинг сўнгги уч турида ўзбекистонлик шахматчилар 8 очко жамғаришга муваффақ бўлишди. Дастлаб, Хитой жамоасига 1,5:2,5 ҳисобида имкониятни бой берган ҳамюртларимиз, Швейцария шахматчиларини 4:0, Эрон жамоасини эса 2,5:1,5 ҳисобида доғда қолдиришди.

Якунда ўзбекистонлик шахматчилар Венгрия ва Озарбойжон мамлактлари вакиллари билан бир хил — 25 очко жамғариб, 4-6 ўринлардан жой олишди. Шоҳсупанинг юқори поғонаси 31 очкога эга бўлган Украина терма жамоасига насиб этди. Грузия шахматчилари 29 очко тўплаб иккинчи, Хитой жамоаси 26 очко билан учинчи ўринни эгаллади.

Шахсий биринчиликда тўртинчи доскада дона сурган Хуршид Мустафоев яхши кўрсаткичга эришди. У венгриялик FIDE устаси Петер Прохазк ва украиналик номдор шахматчи Ярослав Чербукларни ортда қолдириб, олтин медаль билан тақдирланди. Қолган шахматчиларимиз қуйидаги натижаларга эришдилар: Александр Касян (биринчи доска) — 15-ўрин, Евгений Пак (иккинчи доска) — 10-ўрин, Жамшид Мустафоев (учинчи доска) — 4-ўрин.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Боқий қадрият

Тиниб-тинчимас одамлардан элга кўп фойда етади. Бу тоифадагилар доим ўзича нималарнидир ўйлаб, чамалаб, режалаштириб юради. Баъзида уларнинг режалари ўзларига моддий манфаат ўрнига анча-мунча оворагарчилик, ташвиш ҳам келтириши мумкин. Лекин уларга ана шуниси маъқул, савоб иш қилаётганидан кўнгли тоғ!

«ҚАРАБУЛОҚ» ИЗИДАН «ЖУМАБУЛОҚ» КЎЗ ОЧДИ

Сурхондарёлик Равшан Мирзаев уч йил бурун бир гуруҳ меҳнат фахрийлари билан қадимий ва навқирон шаҳарларимиз бўйлаб саёҳату зиёратга чиқади. Ҳазрати Имом Бухорийнинг табаррук мақбараларини кўриб, улуғ аждодларимиз хотирасига алоҳида эътибор қаратаётган ҳукуматимиздан миннатдор бўлади, шу кунларга етказганига шукр қилади. Ва яна ўйлайдики, бундай савоб ишларни бажаришда мен ҳам қаторга кирсам-чи, ахир катта-ю кичик юртдошларимиз савоб талашаётган фараҳбахш кунларда мен нега томошабин бўлиб уларни олқишлар билангина чекланишим керак? Биров мактаб қуряпти, биров ҳаммом, кимдир кўприк солиб элнинг узоғини яқин қиляпти...

Шундай қилиб, Равшан аканинг кўнглида ҳазрати Сўфи Оллоёр мақбарасини обод этиш фикри туғилди. Аввало, Денов ва олтинсойлик меҳнат фахрийларидан 12 киши тўпланиб, "Сўфи Оллоёр" жамғармасини таъсис этишди. Олтинсой тумани ҳокими Рустам Алимов жамғармани қўллаб-қувватлаш ва Сўфи Оллоёр мажмуасини қайта барпо этиш учун "Катта Вахшивор" ширкат хўжалиги ҳудудидан 2,5 гектар мевали боғ ажратиш ҳақида қарор чиқарди. Вилоят электр тармоқлари бошқармаси бошлиғи Рустам Нуралиев зиёратгоҳга электр токи ўтказиб берди. Иш жараёнини кузатиб, керакли йўл-йўриқ кўрсатиб турган вилоят ҳокими Абдулҳаким Эшмуродов эса мутахассислар билан маслаҳатлашиб иш тутиш лозимлигини айтди. Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Абдурасул Эргашевнинг ташаббусига кўра таълим муассасаларида Сўфи Оллоёр ижодини ўрганиш бўйича ижодий дарслар, Оллоёрхонлик кечалари ташкил этилди.

"Сўфи Оллоёр зиёратгоҳи мажмуаси" қурилиши лойиҳаси тайёрланди. Мутахассисларнинг чамаи чўти бўйича, мажмуа қурилишига 1 миллиард 31 миллион сўм сарфланиши керак. Бунинг учун Олтинсой тумани ҳокимлиги яна қўшимча ер ажратмоқчи...

Ривоят қилишларича, Сўфи Оллоёр ҳазратларининг қадами етган жой, шубҳасиз, гавжумлашиб қишлоғ-у кентга айланади. Бунинг учун эса, биринчи галда ичимлик суви зарур эди. Шунда ҳазрат Вахшивор сойининг ўнг қирғоғига келади-да, нам тупроққа ҳассасини суқиб, муридларидан бирига уни ортга қарамай, тоғ ёқалаб судраб кетаверишни тайинлайди. Ҳассани судраб бораётган муридда қизиқиш уступлик қилиб, қишлоққа яқин қолганда ортига ўгирилади. Қараса, ҳассанинг изидан бир тегирмон сув эргашиб келаётган эмиш! Сув шу заҳоти йўналишини ўзгартириб, пастдаги жарга қуйила бошлайди. Мурид орқасига қарагани учун ҳам бу ўзан "Қарабулоқ" аталиб келган. Йиллар ўтиши билан номи андак ўзгариб "Қорабулоқ" дейила бошланган.

— Қорабулоқ суви 300 йил давомида қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаб келган. Ундан томорқа ва боғларни суғоришда ҳам фойдаланилган, — дейди Равшан Мирзаев. — 1998 йилнинг 17 июль куни тоғ бошида бир булут пайдо бўлиб, жала ёғди. Кейин кучли сел келиб, Вахшивор сойига сиғмай иккита катта кўприк ҳамда Қорабулоқдан 50 метр баландликдаги баҳайбат тошни олиб кетди. Сел тингандан кейин қишлоққа сув келмай қолди. Сойга бориб қарашса, сув аввалги булоқ кўзидан 50 метр наридан чиқаётган экан. Сел олиб кетган харсангтош сув йўлини тўсиб турган эмиш... Аҳоли янги кўз очган булоқни эски ўзанга туширириб, фойдалана бошлади. Бироқ бу сув кун сайин кўпаяётган қишлоқ аҳлига камлик қиларди. Сўфи Оллоёр зиёратгоҳи ҳудудида у зотнинг муридларидан бўлган Муҳаммад Сиддиқ қурдирган масжид, қаздирган ҳовуз ва эктирган дарахтлар бугунга қадар сақланиб қолган. Шу ҳовуз тоғликлар томонидан галма-гал ҳар 10-15 кунда тўлғазилади. Бир куни эътибор бериб қарасам, сув айниганроқ, зиёратчилар иложсизликдангина фойдаланишяпти. Жамғарма аъзоларини йиғиб, маслаҳатлашдик. Биринчи галда зиёратгоҳни ичимлик суви билан таъминлашга қарор қилинди. Бунинг учун Вахшивор дарасидаги 50-60 метр баландликдан сизиб чиқаётган Селбосди сойи сувини қувурлар ёрдамида аввал қишлоққа, сўнгра зиёратгоҳга олиб келишга чоғландик. Ҳомийлар жалб этилиб, тоғдаги қум ва тошлар орасига сингиб кетаётган сув жиловланиб, икки ой давомида қишлоқ ва зиёратгоҳга олиб келинди. Бунда Денов шаҳридаги "Низом Мирзаев" номли масъулияти чекланган жамият раиси Жума Мирзаев жонбозлик кўрсатиб, беш километрдан ортиқ қувур ва бошқа қурилиш бўюмларини олиб келиб, иш бошлади. Бу фидойиликни кўрган Катта Вахшивор оқсоқоллари Оллоҳга шукр, "Қорабулоқ"дан сўнг "Жумабулоқ" кўз очди, дея уни алқашмоқда.

Равшан аканинг айтишича, бу ишларда жуда кўп савобталаб инсонлар қатнашган. Афсуски, уларни номма-ном санаб чиқишнинг иложи йўқ. Лекин, ўйлаймизки, бундай саховатли кишилар юртимизнинг ҳар гўшасида бор. Ана шундай инсонлар шарофати билан юртимиз тобора чирой очиб бормоқда. Катта Вахшивор қишлоғининг ичимлик суви билан таъминланиши ва ҳазрати Сўфи Оллоёр мақбараси қурилиши таъмирланаётгани ҳам мустақиллигимизнинг ўн беш йиллигига муносиб тўёнадир.

Дамин ЖУМАҚУЛОВ.

ЁВУЗ НИЯТЛИ ҲАЙДОВЧИЛАР

Статистик маълумотларга қараганда, бугунги кунда дунё бўйича 200 миллиондан зиёд киши гиёҳвандлик балосига мубтало бўлган. Бундан нафақат уларнинг ўзлари, балки оила аъзолари ҳам жиддий зарар кўрмоқда. Шу боис гиёҳвандлик миллати ва иркидан қатъи назар, барча мамлакатларда «аср вабоси» дея эътироф этилмоқда. Унга қарши кураш умумжаҳон аҳамиятига молик долзарб вазифалардан бирига айланмоқда. Жумладан, республикамизда ҳам гиёҳвандлик воситаларининг ғайриқонуний айланиши, сотилиши ва истеъмол қилинишига қарши кенг кўламли чоратадбирлар кўрилмоқда. Сўнгги ўн икки йил ичида 38 тонна миқдоридаги "ажал уруғи" ушланиб, тегишли тартибда йўқ қилингани фикримиз далилидир. Бироқ, шунга қарамай, гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ жиноятлар, айниқса, уларни четдан юртимизга олиб киришга уринишлар кескин барҳам топмаяпти. Қўшни Афғонистон Республикасида бултур 104 минг гектар майдонда оғу етиштирилгани бу хавф-хатарни янада кучайтирмоқда. Шахсий манфаати йўлида ўзгалар жисмини ва ҳаётини заҳарлашдан тап тортмайдиганлар кўпроқ ушбу мамлакат билан чегарадош Сурхондарё вилояти ҳудудида қўлга тушмоқдалар.

Яқинда вилоят божхона бошқармаси ва Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари ўзаро ҳамкорликда тадбир ўтказишди. Ана шу жараёнда Ўзбекистон фуқароси Э.Бобомуродов бошқарувидаги "Матиз" русумли шахсий автомобиль шубҳа остига олиниб тўхтатилди. Сўнгра салони ва юкхонаси кўздан кечирилди. Пировардида машинанинг ўриндиғи остидан учта полиэтилен халтача топилди. Улардаги моддалар кўринишидан опийга ўхшарди. Шу боис ашёвий далил сифатида олиниб, экспертизага юборилди. Кўп ўтмай сирли "юк" ҳақиқатан ҳам опий эканлиги, жами миқдори 2 кило-ю 913 граммга тенглиги аниқланди.

Шунга ўхшаш воқеа Тошкент вилоятидаги "Ғиштқўприк" божхона мажмуасида ҳам рўй берди. Қозоғистонлик А.Сактаганов ҳайдаб келаётган "Мицубиси" русумли автоулов хизмат ити ёрдамида назоратдан ўтказилганида, унинг орқа юкхонасининг кўзга ташланмайдиган қисмига целлофан халтачага ўралган марихуана усталик билан яшириб қўйилгани маълум бўлди. Экспертлар бу заҳри қотилнинг оғирлиги 73,57 граммлигини аниқлаб беришди.

Начора, "Қилмиш — қидирмиш" дейдилар. Ҳозир ҳар иккала ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Қилмиш — қидирмиш

ЭГРИ ЙЎЛНИНГ ОХИРИ ВОЙ

Биласиз, маъданли ўғитлар деҳқончилик экинларидан мўл ҳосил олишда муҳим омил ҳисобланади. Шу боис бу маҳсулотларга ўз юртимизда ҳам талаб катта. Аммо айрим кишилар мўмай даромад орттириш илинжида уларни ғайриқонуний равишда четга чиқариб сотишга уринмоқдалар. Мана, баъзи мисоллар.

Сирдарё тумани ҳудудидаги айланма йўлдан Қозоғистон Республикаси сари кетма-кет ҳаракатланаётган "МТЗ — 80" ва "Т — 28Х4" русумли тракторлар шу атрофда хизмат бурчини бажараётган божхоначилар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари эътиборини тортди. Шу боис иккаласини ҳам тўхтатиб, текшириш ўтказишди. Дастлабки суриштирувлар чоғи ушбу транспорт воситалари эгалари шу туманда яшовчи ҳамюртларимиз Д.Жўраев ва Ф.Сувонов эканлиги аёнлашди. Тракторлар тиркамаларига эса 3,3 миллион сўмлик 13 тонна 250 килограмм супрефос минерал ўғити ортилган экан.

Ўғринча олиб кетилаётган ўғитлар манбаини аниқлаш ниятида давом эттирилган тезкор қидирув ҳаракатлари натижасида яна бир қинғирлик юзага қалқиб чиқди. Маълум бўлишича, Д.Жўраев, Ф.Сувоновларнинг ҳамтовоғи С.Ҳасанов ўз ҳовлисида салкам 8,5 тоннага яқин супрефосни ноқонуний сақлаётган экан. Умумий қиймати 2,1 миллион сўмлик бу ўғитлар ҳам ашёвий далил сифатида олинди.

Бошқа бир ҳамюртимиз Ф.Нурматов эса "Осилсанг, баланд дорга осил!" қабилида гардкамига иш юритадиганлар жумласидан чиқиб қолди. Бундай дейишимиз бежиз эмас. У, оз эмас — кўп эмас, роппа-роса 15 тонна 695 килограмм аммиакли селитрани маккажўхори дони солинган қоплар остига жойлаштириб, ўз тасарруфидаги "КамАЗ"да "тижорат сафари"га отланди. Лекин узоққа боролмади. Тошкент вилояти божхона бошқармаси ва Миллий хавфсизлик хизмати ходимларидан иборат тезкор гуруҳ кутилмаганда унинг йўлини кесиб чиқди. Машинасини ноилож тўхтатган ҳайдовчи ножўя хатти-ҳаракатларини оқловчи бирон-бир ҳужжат кўрсатолмай, текширувчилар олдида мулзам бўлиб қолди.

Эндиликда Ф.Нурматов ҳам қонун олдида қилмишига яраша жавоб беради.

Нурбек САЛОМОВ,
Давлат божхона қўмитаси матбуот хизмати ходими,
Абдунаби ҲАЙДАРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Хушхабар

Вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармасида халқаро спорт майдонларида ғолиб чиққан жиззахлик спортчиларни шарафлаш ажойиб хушхабар билан бошланди. Июль ойининг охирги кунларида Болгарияда ўтказилган таэквандо (ITF) бўйича жаҳон чемпионатида иштирок этган Абдуҳошим Суюнбоев ҳамда Хусниддин Алқоровлар бронза медаллари билан тақдирланишди.

Байрамга медаллар шодаси билан

Халқаро мусобақалар совриндори, қора белбоғ 3-ДАН соҳиби Отабек Зияевнинг шогирдлари қўлга киритган муваффақият вилоят спортчиларининг, айниқса, 2006 йилнинг энг нуфузли беллашувлари Қатар пойтахти Доха шаҳрида бўладиган 15-Осиё ўйинларига тайёргарлик кўраётган ҳамюртларининг ўзларига бўлган ишончларини орттирди. Бундайлар эса вилоятда талайгина. Шахматчи Юлдуз Ҳамроқулова, боксчи Жаҳонгир Сувонқулов, дзю-до устаси Ирода Абдурахмоновалар шулар жумласидандир.

Қувончли томони шундаки, вилоят спортчилари юртимиз мустақиллигининг 15 йиллик байрамини ўзига хос туҳфа билан кутиб олишаяпти. Бошқарма бошлиғининг ўринбосари Алишер Толиповнинг таъкидлашича, жорий йилнинг етти ойида уларнинг мамлакат ва халқаро мусобақаларда қўлга киритган медаллари сони 140 тадан ошди. Бу ўтган 2005 йил бўйи олинган медаллардан анча кўпдир. Уларнинг учдан бир қисмини олтин медаллар ташкил этади.

Баҳриддин САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 15 ЙИЛЛИГИ БИЛАН БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ ТАБРИКЛАЙМИЗ! УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, ИШЛАРИДА ОМАД ВА МУВАФФАҚИЯТЛАР ТИЛАЙМИЗ.

ОАЖ «ЎЗКАБЕЛЬ» қўшма корхонаси

Ўрта Осиё кабель-ўтказғич маҳсулотларининг энг йирик ишлаб чиқарувчиси ҳисобланади.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100041, Тошкент ш., Ф. Хўжаев кўчаси, 2.
Тел./факс: 162 02 86, 162 39 58, 162 29 02, 162 02 36.
www.uzkabel.uz

Ишлаб чиқариладиган кабель-ўтказгич маҳсулотларининг ассортименти 2197 та ни ташкил этади

Товар сертификатланган

ГАЗ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ

Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютер AVTODOM PLUS

ГАЗ-31105, «ВОЛГА»

ГАЗ-3221, Микроавтобус, 15 ўриндиқли

ГАЗ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли

ГАЗ-3309 Турбодизель юк кўтариши — 4,5 тн., 2 ўриндиқли

ГАЗ-2705, 7 ўриндиқли металл билан қопланган фургон, юк кўтариши — 1,3 тн., 3 ёки 7 ўриндиқли


ГАЗ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи

ТЎЛОВ ШАКЛИ — ТУРЛИЧА

ГАЗ-3307 Автоэвакуатор

ГАЗ-3302, нон ташийдиган, лотоклар сони — 112 та, 3 ўриндиқли

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шаҳрисабз» к., 16-«А» уй.
Тел./факс: (998-71) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62.
Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42.
E-mail: info@auto.uz
web-site: www.auto.uz

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ
- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:
ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».
ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидрокўтаргичлар, автоустаханолар, бурғулаш (буровые), чиқинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар.
АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилғи ташийдиган, самосваллар.

АВТОМОБИЛЛАР — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА

«Давлат белгиси» Давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси бирлашма бош директорининг биринчи ўринбосари Ғайрат Очилович Хуррамовга опаси **Раъно ХУРРАМОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Ўзбектуризм» миллий компанияси жамоаси молия-иқтисодиёт бошқармаси бошлиғи Зиёдулла Толибжоновга отаси **Убайдулла ТОЛИБЖОНОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Кафолат» Давлат-акциядорлик суғурта компанияси жамоаси Тошкент шаҳар филиали мол-мулк суғуртаси бўлими менежери Саида Ғофур-Охуновага турмуш ўртоғи **Абдураҳим ҒОФУР-ОХУНОВнинг** вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Миллий китоб палатаси жамоаси етакчи библиограф Шоира Йўлдошевага акаси **Шоазиз АКРОМОВнинг** вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Солиқ академияси жамоаси Маънавият ва маърифат ҳамда иқтидорли тингловчилар билан ишлаш бўлими услубчиси Бахтиёр Сангировга онаси **Ҳожия ая НУРИТДИНОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 1057. 20700 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

t - Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Б. Эгамқулов.
Навбатчи — С. Ҳайдаров.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 23456